

Тошкент шаҳри

“08” 01 2022 йил

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган “Тошйўловчitransхизмат” УК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Атажанов А.И. ССТИБУСИ, бир томондан, ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган

номидан устав асосида иш кўрувчи Хикматова Й.А. директор,
(корхона, ташкилот номи)
(корхона, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи)

иккинчи томондан, шартнома бўйича биргаликда “Томонлар”, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖниг 2020 йил 18 ноябрдаги 204-сонли буйругига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ қайта ташкил этиш йўли билан “Тошйўловчitransхизмат” УКни ажратиб чикариш ва фаолиятини қайта тикилаши сабабли, мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу шартнома шартларига асосан “Буюртмачи” буюртма беради ва буюртма ҳақини тўлайди, “Ижрочи” эса Тошкент шаҳри йўловчи ташиш транспортида юриш учун транспорт карталари сотади ва уларни хисобини тариф режалари билан тўлдиради

II. Шартнома қиймати

2.1. Давлат корхонаси бўлган “Буюртмачи”га транспорт карталарига ва тариф режаларини сотиб олиш учун ушбу шартномага асосан бюджет маблағларидан ташкари, бошка манбалардан олинган маблағлар ҳаражатлари 1992 000 сурх (Одек менинг деъётесот деъқиноти дзе ташкари сурх) сумни ташкил этади.

2.2. Юкорида кўрсатилган маблағдан ташкари транспорт карталарига тариф режалари сотиб олинса ёки транспорт карталари ва тариф режаларининг нархи ошган тақдирда, бу маблағни “Буюртмачи” бошқа бюджетдан ташкари манбалардан олган ўзининг маблағлари хисобидан тўлайди.

III. Тўловлар тартиби

3.1. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режаларини “Буюртмачи” га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли карорига биноан олинаётган транспорт карталари ва тариф режалари учун “Буюртмачи” томонидан олдиндан 100 % пул маблағлари тўланиб, “Ижрочи” нинг хисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ҳамда ушбу маблағлар микдорида, “Буюртмачи” нинг кафолатли шахслари орқали ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсга тегишли паспортнинг асл нусхаси тақдим этилган тақдирда, сотилаётган кундаги преискурант нархларига мувофиқ сотилади.

IV. “Томонлар”нинг мажбуриятлари

4.1. “Ижрочи” ўзига кўйидаги мажбуриятларни олади:

4.1.1. Хар ойда “Буюртмачи” томонидан транспорт карталарига тариф режаларини тўлдириш учун олдиндан ўтказилган пул маблагига асосан кўйидаги манзилда амалга оширилади: 100100 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 тор-кўчаси, 6-үй.

4.1.2. “Ижрочи” хар ойнинг 20 санасидан бошлаб транспорт карталарини сотиш ва тўлдириш учун “Буюртмачи”дан буюртма қабул қиласида ва хужжатларни расмийлаштиради. Хар ойнинг 20 санасидан 25 санасигача соат 8-00 дан 17-00 гача (12-00 дан 13-00 гача танаффусдан ташкари, шанба ва якшанба дам олиш кунлари.) “Буюртмачи” га расмийлаштирилган хужжатларга асосан транспорт карталари берилади ва уларга тариф режалари ўтказиб берилади.

“Ижрочи” имтиёзли транспорт картани сотишдан олдин, “Буюртмачи” томонидан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланадиган ходимнинг шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси ва гувоҳнома нусхасини қабул қилиб олади.

4.1.3. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва уларга тўлдирилган тариф режалари счёт-фактура-юк хати асосида “Буюртмачи”га берилб, унда транспорт карталари ва тўлдирилган тариф режаларини сони (доналарда), нархи, жами суммаси, серияси ва рақамлари, шунингдек қолдик суммаси кўрсатилади.